

МАДАНИЯТНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

¹Кўлдошев Шерали Темиралиевич, Маданиятшунослик ва
номоддий маданий мерос илмий-тадқиқот институти
катта илмий ходими

²Умарходжаев Босит Баходирович, Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият институти мустақил тадқиқотчиси

SOCIALIZATION OF CULTURE AS A FACTOR IN UNDERSTANDING NATIONAL IDENTITY

¹Koldashev Sherali Temiralievich, Senior Researcher, Research
Institute of Cultural Studies and Intangible Cultural Heritage

²Umarkhodjaev Bosit Bahodirovich, Independent Researcher, State
Institute of Arts and Culture of Uzbekistan

СОЦИАЛИЗАЦИЯ КУЛЬТУРЫ КАК ФАКТОР ОСОЗНАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ

¹Колдашев Шерали Темиралиевич, старший научный
сотрудник НИИ культурологии и нематериального
культурного наследия

²Умарходжаев Босит Баходирович, независимый научный
исследователь Государственного института искусств и
культуры Узбекистана



<https://orcid.org/0000-0002-8144-5639>

e-mail:

sherali.kuldashev@mail.ru



Аннотация: Ушбу мақолада маданиятнинг ижтимоийлашувида миллий ўзликни англаида муҳим омил сифатидаги масалага эътибор қаратилган. 2016–2024 йилларда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида амалга оширилган ўзгаришлар, ислохотлар, жумладан, ижтимоий институтлар билан бирга, аҳолининг ижтимоий онгида содир бўлаётган трансформация жараёнларига доир туб ислохотларнинг динамикаси очиқ берилган. Янги жамият барпо этиши давомида замонавий маданият институтларининг трансформациялашуви ҳолати ҳамда ушбу ижтимоий аҳамиятга эга тенденциянинг илмий ва амалий хусусиятларига асосий эътибор қаратилган.

Калим сўзлар: маданият, ижтимоийлашув, миллий ўзликни англаш, трансформация.

Abstract: This article focuses on the issue of the socialization of culture as an important factor in the understanding of national identity. The dynamics of fundamental reforms in the social life of our country in 2016–2024, along with the changes and reforms carried out in the social life of our country, including social institutions, are revealed, as well as the transformation processes taking place in the social consciousness of the population. The main attention is paid to the state of transformation of modern cultural institutions in the process of building a new society, as well as the scientific and practical characteristics of this socially significant trend.

Keywords: Culture, socialization, understanding of national identity, transformation.

Аннотация: В данной статье рассматривается вопрос социализации культуры как важного фактора понимания национальной идентичности. Раскрывается динамика коренных реформ в

общественной жизни нашей страны в 2016-2024 годах, включая изменения и реформы социальных институтов, а также трансформационные процессы, происходящие в общественном сознании населения. Основное внимание уделено состоянию трансформации современных культурных институтов в процессе построения нового общества, а также научной и практической характеристике этого общественно значимого направления.

Ключевые слова: культура, социализация, осознание национальной идентичности, трансформация.

КИРИШ. Жамиятда маданият масаласи доимий эътиборда турадиган феномен ҳисобланади. Шунинг учун, маданиятнинг ижтимоийлашуви бу функциялардан бири сифатида маданиятшунос олимлар томонидан эътироф этилган. Ушбу функция жамият ҳаёти учун унинг ҳақиқий аъзоси сифатида зарур ҳисобланган маълум миқдордаги шартларни ўзлаштиришга ёрдам беради¹.

Бу функция идрок, тафаккур, нутқ, сўзларнинг қўлланиши, оҳанги, имо-ишора, типик ҳодисаларга муносабат тарзи, шунингдек, талаб ва қадрият йўналишлари тизимини шакллантириш каби андозавий усулларнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир. Ижтимоийлашув кишилиқ маданияти, хусусан, миллий маданият анъаналарини ўзлаштириб бориш жараёни сифатида ҳам талқин этилиши мумкин. Маданий муҳитга мослашиш жараёни сифатида ижтимоийлашув инсоннинг бутун умри бўйи давом этади, бироқ бу жараён боланинг 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган даврида бошланади. Мазкур даврда ёш авлод вакили маданий қадриятларни ўрганиш жараёнидан узиб қўйилса, ижтимоийлашув жараёни тўхтаб қолади.

Бизнингча, маданиятнинг ижтимоийлашуви функцияси билан миллий ўзликни англаш ўзаро ҳамоҳанг, бир йўналишдаги ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Айнан маданиятнинг шу вазифаси сифатида қадимги одамни цивилизация кишисига айлантириб боради. Жамият ичида ўзининг “мен”ини қидиргани каби миллат ўзининг “ўзлигини” топишга ҳаракат қилади. Жамиятда ижтимоийлашув деганда одамларнинг бир хил тарзда фикрлаши, бир хил тарзда ҳаёт тарзини шакллантириш тушунилмайди. Кўриниб турганидек, инсон ҳар қандай шароитда ҳам

ўзининг индивидул “қиёфаси”ни сақлаб қолишига маданиятнинг мазкур функцияси ёрдам берганидек, ҳар бир миллат, халқни миллий ўзлигини англаб, уни сақлаб қолишга йўналтиради.

Маданиятнинг ижтимоийлашувида миллий ўзликни англаш омили ниҳоятда катта роль ўйнайди. Бунда санъат, маданий муассасалар фаолиятининг ўрни бекиёслигини кўришимиз мумкин. Биргина санъат инсонни маънавий жиҳатдан такомиллаштиради, жамият аъзоларида ватанпарварлик, инсонийлик, юксак ахлоқ каби фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради. Бироқ, ижтимоийлашув инсонда моддий неъматларга бўлган эҳтиёжни инкор этмайди. Маданиятли, ижтимоийлашувга мойил одамлар моддий неъматларни ўзининг янада такомиллашуви йўлидаги восита сифатида кўрадилар. Агар тарихга назар ташласак, буюк зотлар, мутафаккир-алломаларнинг аксарияти турмушнинг моддий томонларига кўпинча бефарқ бўлишган. Шунингдек, агар жамиятда инсонларнинг ижтимоийлашув жараёни содир бўлмаса, бунинг натижасида одамларда жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик, лоқайдлик ҳолатлари юз беради. Бу айниқса, мустабид тузум шароитида кўпроқ кўзга ташланган эди. Бу бизга совет тоталитар тузумидан яхши маълум. Фикримизча, муҳим тарбиявий аҳамиятга молик бўлган маданиятнинг гуманистик функцияси шахснинг ижтимоийлашуви ҳамда индивидуаллашуви жараёнларида намоён бўлади. Инсоният ўзи яратган барча моддий ва маънавий маданият дурдоналарини ўзлаштириш натижасида инсон ижтимоийлашув жараёнига фаол киришади ва янги социал мақомга эга бўлади. Лекин бу мавқе ва мақомни ҳар бир шахс ўз индивидуал хусусиятига мувофиқ идрок этади. Бу албатта

¹ Маврулов А., Маврулова М. Маданият назарияси. – Тошкент: 2023. – 46 б.

табий равишда инсон борлигининг рухий ва ирсий хусусиятларига, хусусан, характери, дунёқараши, майллари, қобилияти даражаларига бевосита боғлиқдир. Демак, маданият ижтимоийлашув ва индивидуаллашув жараёнини амалга оширишнинг реал механизми бўлиб, ўзлигини таниган баркамол шахс камолоти учун барча шарт-шароитларни яратиб берувчи бебаҳо қадриятдир.

МУҲОКАМА. Бугун Янги Ўзбекистон шароитида бошқарувнинг ўзи, юқорида таъкидлангани каби, инсоннинг ижтимоийлашувидан манфаатдорлигини ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун ҳам, “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойил кун тартибига қўйилган. Чунки, “инсон қадр” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу ғоянинг туб негизида ҳам аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассамлигини кўришимиз мумкин. Маълумки, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, мухтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир².

Инсоннинг маданий анъаналарни ўзлаштириш жараёни унинг индивидуаллигининг шаклланиши билан ҳамохангдир. Шу боис, ижтимоийлашув жараёнининг интиҳосида шахс тарихий типининг индивидуал вариантлари юзага келади. Ушбу жараён давомида шахс томонидан ижтимоий ролларнинг ўзлаштирилиши “лаззатланиш – азобланиш” (Фрейднинг таъбирига кўра) тамойили ёрдамида мувофиқлаштириб борилади. Фикримизча, ижтимоийлашув жараёни мураккаб механизмга эга. Бу механизмнинг рухий ва ижтимоий-маданий жиҳатлари мавжуд. Ижтимоийлашув механизмнинг рухий жиҳати индивид томонидан маълум ижтимоий ролларнинг қабул қилиниши (*ёки қабул қилинмаслиги*)да намоён бўлади. Унинг ижтимоий-маданий жиҳати эса инсоннинг тил, санъат, дин ва шу кабилар орқали маданий қадриятларни ўзлаштириш жараёнини камраб олади.

Хусусан, ижтимоийлашув жараёни ўз босқичларига эга. Бу босқичларни аниқлашда турли ёндашувлар асос қилиб олинади. Масалан, Ж.Миднинг онтогенетик ёндашуви индивидуал ижтимоийлашув босқичларини белгилаб беради. Унинг фикрига кўра, бу босқичлар қуйидагилардан иборат: 1) психогенетик босқичда индивид ўз эҳтиёжларини қондириш йўлларини ўрганади; 2) символик босқичда индивиднинг символлари (образлар, идеаллар ва бошқалар) шаклланади; 3) аклий-концептуал босқичда индивид символлари тизими унинг фаолиятини бошқарувчи механизмга айлантиради. Фикримизча, онтогенетик ёндашувдан фарqli ўларок, филогенетик ёндашувда (*М. Петров*) ижтимоийлашувнинг тарихий эволюциясига эътибор қаратилади. У қуйидаги босқичларга бўлинади: 1) номинация босқичида исмларнинг аҳамияти катта бўлади; ҳар бир исм ўз мазмунига эга ва маълум фаолият тури билан боғлиқ бўлади; 2) касбий-қабилавий босқичда маълум мазмунга эга бўлган номлар алоҳида индивидларга эмас, балки бирор фаолият тури билан машғул бўлган оила, уруғ ва қабилаларга берила бошлайди (*масалан, қадимги Юнонистонда табиблик қилувчилар ўзларини асклепидлар, темирчилик қилувчилар эса гефестидлар деб атаганлар*); 3) универсал-мантикий босқичда ижтимоий фаолиятнинг ҳар хил турлари шаклланиб, ўзлаштирила бошлайди, махсус таълим институтлари вужудга келади. Бу эса, ижтимоийлашув жараёнини тадқиқ этишда ҳам онтогенетик, ҳам филогенетик ёндашувларни инобатга олиш зарур.

Шунингдек, ижтимоийлашувнинг ижтимоий функциялари қуйидагилардан иборат: 1) ижтимоий-тарихий жараён субъектини шакллантиради; 2) маданият ва цивилизация тараққиётида ворисийликни таъминлайди; 3) индивидни ижтимоий муҳитга мослаштириш орқали жамиятнинг тўқнашувларсиз тараққий этишига замин яратади.

Бугунги кунда жамият ҳаётида ижтимоийлашув муаммоларини ўрганишда фалсафий, социологик, ижтимоий-психологик ва тарихий-этнографик таҳлил натижасида яратилган услуб ва ёндашувлардан комплекс фойдаланиш тенденцияси юзага келмоқда. Ўзбек

² Халқ сўзи. 2022 йил 21 июнь.

миллати Янги Ўзбекистон шароитида яшамоқда. У мустақиллик йилларида қанчалик улкан муваффақиятларни қўлга киритмасин, глобаллашувнинг кучли босими остида яшашга мажбур бўлмоқда. Бундай шароитда, албатта миллий ўзликни англаш воситасида миллий тарбияни олиб бориш ва уни кучайтириш тақозо этилади. Тарихий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, қарамлик ҳолатига тушган миллатларда ўз заминларига интилиш кучли бўлади. Бунинг асосий сабаби, у қарамлик ҳолатида ўзлигидан маҳрум бўлиб қолишдан ҳадиксираб яшайди, шунинг учун ҳам у қарамлик шароитида ҳам зимдан бўлса ҳам миллий ўзликни англашни сақлаб қолишга қаратилган миллий тарбияни олиб боришга ҳаракат қилади.

Бунда асосан аънавий ижтимоий муносабатларнинг роли бекиёсдир. Маълумки, жамиятда юзага келган урф-одат, аъналар негизида тарбиянинг у ёки бу шакли ётади. Шу маънода миллат ўз вакиллари, ёшларни тарбиялашда тарбия усуллари авлоддан-авлодга етказиш жараёнининг такрорланиши натижасида аънавий тизимлар юзага келади. Бу эса ўз навбатида, миллий ўзликни англашда аънавий тизимнинг нечоғлик муҳим эканини кўрсатиб беради. Шу боисдан ҳам биз миллий тарбияда асосан аънавий тизимдан унумли фойдаланамиз. Зеро, бу миллий ўзликни англашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, миллий тарбия билан миллий ўзликни англаш орасидаги ўзаро боғлиқлик уларни бир-бирисиз тасаввур қилиш қийин. Жумладан, агар миллий заминлар чуқур ва бой бўлсаю, миллат вакиллари, айниқса, уни ёшларнинг онгига сингдирилмаса, уларнинг миллий онги, миллий маданияти ва руҳияти шаклланмайди, миллий ўзлигини англай олмайди, худди шунингдек, миллий ўзликни англашнинг ўзини асраш, уни ривожлантириш ва кейинги авлодга етказиш муҳим асосий омиллардан бири сифатида ҳам миллий тарбияни олиб боришни тақозо қилади.

Бизнинг фикримизча, миллий ўзликни англаш орқали миллий тарбия билан миллий ўзликни англаш, ёшларни турли зарарли ғоялар, ахлоқсизликлар ҳамда “оммавий маданият”дан ҳимоя қилиш имкониятини беради.

НАТИЖАЛАР. Демак, миллий ўзликни англаш нафақат миллий-маънавий

тараққиётнинг муҳим омили, худди шу билан бирга, зарарли ғоявий маънавият ва ахлоқий таъсирлардан ҳимояланиш омили ҳисобланади. Бунинг учун эса миллий ўзликни англашни аҳоли, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдиришга ёрдам берадиган миллий тарбия билан боғлиқ маданий тадбирлар, спектакллар ва бошқа томошалар билан изчилликда олиб бориш лозим.

Миллий тарбияни янада кучайтириш учун урф-одат, аъна, қадриятлар ва маросимларга боғлиқ маданий тадбирларни кучайтириш, миллий ўзликни англашни ўстириш каби вазифаларни амалга ошириш заруратининг кучайиб бораётганлиги билан боғлиқ бўлиб қолган.

Иккинчидан эса, глобаллашувнинг таъсири оқибатида ривожланган давлатлар халқларининг “оммавий маданиятларини” турли воситалар ёрдамида энди тараққиёт йўлига кираётган мамлакатлар, уларнинг халқларига таъсирини ҳам кўриш мумкин. Тарбия орқали уларнинг дунёқарабини ўзгартириш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу мақсаднинг кенг қамровли жиҳатида эътибор қаратиб, “Учинчи Ренессанс” даврида бу тизим юзага келадиган муҳит миллатни юқори даражага кўтаришини кўрсатиб ўтган.

Таҳлиллар давомида биз ўтказадиган тадбирларнинг миллий тарбиядаги ўрни ва роли шундан иборатки, уларда оммавийлик кенг қамровли бўлиб, аҳолининг турли табақа вакиллари иштирок этади; уларда миллийликнинг ўзига хос жиҳатлари яққол намоён бўлганлиги учун ҳам миллат вакилларида “яқинлик” кучли бўлади. Шунинг учун ҳам миллий урф-одат, аъна, қадриятлар билан боғлиқ тадбирлар ва маросимлар эскирмай, такомиллашиб боради. Бунда албатта, маданият муассасаларининг ўрни ва фаолияти катта ҳисобланади. Миллий ўзликни англаш ҳар бир халқларнинг миллийлигига мансуб барча хусусият ва жиҳатларни кўзда тутди. “Ўзбек халқи миллат бўлиб шаклланган ва ундан кейинги ижтимоий-иқтисодий жараёнларда юзага келган миллий ўзликка хос белги ва хусусиятлар шароитлар ўзгарганда ҳам миллий ўзликни ташкил этувчи омиллар сифатида

сақланиб қолаверади”³. Бунда аввало, миллий ғояни тарғиб этувчи тизим таркибига кирувчи жамиятнинг турли ижтимоий институтлари ҳамда маданий уюшмаларининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллик даражасини аниқлаш керак. Миллий ўзликни англаш тузилмасида унинг муҳим элементлари бўлган тарихий хотира, ўзбек тили, миллий маданият, ўтмишни ҳам алоҳида эътиборга олиш зарур⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшларимизнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтириш билан боғлиқ вазифаларга қисқача тўхталиб, таъкидладики, “Бу борада биз асрлар мобайнида шаклланган миллий анъаналаримизга, аждодларимизнинг бой маънавий меросига таянамиз”⁵.

ХУЛОСА ўрнида, маънавий-маърифий тадбирларни олиб боришда тадбирларнинг мазмун-моҳиятига эътибор берган ҳолда, тадбирлар учрашув иштирокчиларининг қизиқишлари, истаги, хоҳиши, эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Уларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинмасдан ташкил этилса, учрашув иштирокчиларини бир хил фикрлаш, бир хилда мушоҳада қилиш, бир хил хулоса чиқаришга ўргатиб қўйиш мумкинлигини назардан четда қолдириш мумкин эмаслигини таъкидламоқчимиз. Энг асосийси, тадбир

иштирокчиларининг (айниқса, ёш авлоднинг) “ўзлиги” ни англашига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маданият муассасалари фаолиятини янгича ташкил қилиш ва бошқариш, улар томонидан олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар сифати ҳамда тарбиявий моҳиятига эътибор қаратиш ҳам куннинг энг долзарб муаммоси бўлиб, уларнинг маънавий-маърифий фаолиятига эътибор берилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 126 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Президент қарори // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 17 октябрь.
3. Сапаров Б.Б. Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англашнинг тузилмавий-функционал таҳлили. Ф.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) учун тайёрланган диссертацияси. – Тошкент: 2019. – 31 б.
4. Маврулов А., Маврулова М. Маданият назарияси. – Тошкент: 2023. – 46 б.



³ Сапаров Б.Б. Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англашнинг тузилмавий-функционал таҳлили. Ф.ф. бўйича фалсафа доктори (PhD) учун тайёрланган диссертацияси. – Тошкент: 2019. – 31 б.

⁴ Сапаров Б.Б. Миллий ғоя тизимида миллий ўзликни англашнинг тузилмавий-функционал таҳлили. Ф.ф. бўйича

фалсафа доктори (PhD) учун тайёрланган диссертацияси. – Тошкент: 2019. – 35 б.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 126 б.